2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 87 (1148), 2024 йил 7 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ЭНДИ ДАВЛАТ ГРАНТИ ЎРИНЛАРИ ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ ТЎПЛАГАН АБИТУРИЕНТЛАР ТАНЛОВИ АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ

**Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида олий таълим тизими бўйича бўлган тақдимотда айтиб ўтилди.**

Таълим доим ривожланиб, янгиланиб борадиган жараён. Бу йўналишдаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 февралдаги қарорига асосан, “Таълим соҳасида лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси тузилган эди. Ўтган вақт мобайнида ушбу офис томонидан вазирликлар билан бирга ўқув жараёнларини янги тамойиллар асосида ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим хизматлари сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли ташаббуслар ишлаб чиқилди.

6 май куни Президент ҳузурида олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, қабул ва малака тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда бакалавриатда 306 та йўналиш, магистратурада 625 та мутахассислик бор. Лекин уларнинг айримлари халқаро стандартлар ва замонавий меҳнат бозори талабларига мос эмас. Бу битирувчиларда тўлиқ малака шаклланиши ва уларнинг ишга жойлашишида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу боис, таълимнинг халқаро таснифи, илғор хорижий тажриба асосида бакалавриат ва магистратура йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда айни пайтда талаб юқори бўлган соҳаларда янги йўналишлар очиш бўйича таклифлар билдирилди.

Олий ўқув юртларида таълим жараёнларини рақамлаштирган ҳолда деканатлар ва бошқа маъмурий тузилмаларни оптималлаштириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шу нуқтаи назардан, 1 сентябрга қадар ўқув жараёнларини тўлиқ қайта кўриб чиқиб, янги тизимни жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Кейинги асосий масала бу — олий таълимга қабул тизимини янада адолатли қилиш ва давлат грантларини иқтидорга йўналтириш. Ҳозирги қабул тизими, квоталарнинг тақсимланиши рақобатни тўлиқ таъминламаяпти. Айрим абитуриентлар юқори балл тўпласа-да, топширган олийгоҳининг квотаси сонига қараб, ўқишга киролмай қолиши мумкин.

Янги тартибга кўра, муайян бир йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент, танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Яъни юқори балл олган ёшлар ўқишга кирмай қолмайди.

Яна бир янгилик: энди давлат гранти 4 йилга битта талабага эмас, балки ҳар йили юқори баҳоларга эришган талабалар орасида қайта тақсимланади.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни адолатли йўлга қўйиш, ёшларга ва ота-оналарга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Малака талаблари бўйича ҳам долзарб масалалар кўп. Юртимиздаги айрим мезонлар халқаро стандартларга ва иш берувчи талабларига тўлиқ мос келмайди. Меҳнат бозорида мавжуд 8 мингга яқин ишчи касбдан 5 мингдан ортиғи бўйича малака стандартлари ишлаб чиқилмаган. Борлари ҳам аниқ ва сифатли эмас.

Шунингдек, малакани баҳолаш марказларида сертификатлаш йўлга қўйилмаган. Миллий малака тизимига доир жараён ва ҳужжатлар Электрон платформада юритилмайди.

Шу боис Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил қилиб, иш берувчилар билан бирга малака талабларини тўлиқ ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

— Бу аҳоли бандлигига бевосита дахлдор долзарб масала. Шунинг учун бу борада қонунлар ишлаб чиқиб, вазирлик ва идоралар масъулиятини белгилаш, ижроси устидан назоратни кучайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда муҳандислик соҳасидаги таълим сифати ҳам таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда йилига 3 мингдан зиёд саноат корхоналари ташкил этилиб, 146 минг иш ўрни яратиляпти. Уларда йилига 25 мингдан зиёд муҳандис ва технологларга эҳтиёж бор.

Бу йўналишда 33 та давлат олийгоҳида кадрлар тайёрланса-да, таълим сифати талаб даражасида эмас. Илғор хорижий университетларда аллақачон тўхтатилган айрим фан ва мутахассисликлар ҳали ҳам ўқитилмоқда. Ўқув режа ва дастурларининг қарийб ярми меҳнат бозори ва халқаро стандартларга жавоб бермайди.

Мутасаддиларга ушбу таълим йўналишида кескин ўзгариш ясаш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

## ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 май куни темир йўл соҳасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизнинг географик жойлашуви, ривожланган саноати ва иқтисодиётида темир йўл транспорти муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўллари катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Замонавий инфратузилмага эга, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мос яхлит темир йўл тизими барпо этилди.

Умуман, мустақиллик даврида 2 минг 400 километрдан кўпроқ янги темир йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилди, 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилди. Юртимиз темир йўл соҳаси ўзининг оғир машинасозлик ва қуюв-металлургия саноатига ҳам эга бўлди. Бугун бу тармоқ ўлкамизнинг барча ҳудуд ҳамда минтақаларини ишончли ва самарали боғлаб келмоқда.

Булар орқали Ўзбекистон замонавий транспорт коммуникациялари ва юксак транзит салоҳиятига эга бўлган давлат сифатида Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни ўзаро боғлайдиган халқаро темир йўлларнинг муҳим ҳалқасига айланди. Давлатимизнинг фаол инвестиция сиёсати, бизнес учун жозибадор шароитлари унинг савдо йўллари кесишадиган чорраҳа сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Шу боис, бу соҳадаги қурилиш ва модернизация ишларини изчил давом эттириш муҳим. Тақдимотда бу борадаги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Аввало, транспорт-логистика салоҳиятини янада кенгайтириш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди. Тадбиркорларга қулайликларни ва экспорт имкониятларини ошириш учун транспорт йўлакларини изчил диверсификация қилиш зарурлиги таъкидланди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида трансминтақавий алоқаларнинг муҳим таркибий қисми бўладиган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишлар кўриб чиқилди. Экспертларнинг фикрича, бу транспорт йўлаги нафақат учта давлат, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётига кучли суръат бағишлайди.

Марказий Осиёни Жанубий Осиё билан боғлайдиган янги транспорт йўлакларини яратишга доир жараёнлар бўйича ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари шу билан бирга авиация инфратузилмасини ривожлантириб, аэропортларни халқаро транзит хабига айлантириш, замонавий автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 20 000 000 (йигирма миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 апрель

### Президент фармонига шарҳ

## ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА 2024-2028 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ТАСДИҚЛАНДИ

**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг назоратини амалга ошириш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва генофондга салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди.**

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.

Қуйидагилар Стратегиянинг устувор мақсадлари сифатида белгиланмоқда:

— аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда “гиёҳвандликка қарши иммунитет”ни, ўқувчи ва талабалар орасида психотроп моддаларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш (таълим муассасаларида янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш);

— аҳолига сифатли наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, гиёҳвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизимини тубдан такомиллаштириш;

— гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасининг янгича, айниқса, интернетдаги усулларига барҳам бериш, бу борадаги тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чоралар комплексини ривожлантириш (биринчи навбатда рақамлаштириш орқали);

— тиббиёт муассасалари ва дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, фармацевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

— гиёҳвандликни даволаш ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш (илмий изланишлар, хулосалар, ютуқлар ва янгиликларни амалиётга жорий этиш ҳамда оммага етказиш).

Шу билан бирга, Бош вазир раислик қиладиган Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланди:

— Стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, уни амалга ошириш бўйича йиллик миллий дастурларни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ҳар уч ойда Стратегия ва йиллик давлат дастури ижросининг танқидий ўрганилишини, мақсадларга эришишга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўрилишини таъминлаш;

— гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашишни мувофиқлаштириш, аҳоли орасида гиёҳвандликнинг барвақт профилактикаси бўйича самарали чора-тадбирларни белгилаш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилмоқда.

Миллий марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланмоқда:

— нарковазиятни ҳудудлар кесимида илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий жиҳатидан тизимли равишда чуқур ўрганиб бориш, асосий омиллар ҳамда тенденцияларни аниқлаш ва прогноз қилиш;

— гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— мутасадди давлат органлари томонидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини эксперт жиҳатидан баҳолаш, бу борада ягона ахборот алмашинуви ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро грантларни жалб қилиш орқали уларни замонавий техник ускуналар билан таъминлаш;

— хорижий давлат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар билан манзилли ҳамкорликни ўрнатиш, Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан БМТга йиллик маърузалар тайёрлаш;

— илғор миллий ва хорижий тажрибаларни доимий ўрганиш ҳамда унинг натижаларини жорий этиш ва оммалаштириш бўйича методика, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, масъул давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш.

Миллий марказ Давлат комиссиясининг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланиб, унинг фаолиятини ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлаб боради ҳамда Президент Администрацияси олдида ҳисобдор бўлади.

Қабул қилинган фармоннинг ижроси республикамизда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан “иммунитет”ни шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни тиббий даволашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасидаги истиқболли чора-тадбирларни белгилаш ва қатъий ижросини таъминлашга хизмат қилади.

**ЎзА**

### Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

## МАЪНАВИЯТ СЕКТОРИ — ЯНГИ ҲАРАКАТ, ЯНГИ КУЧ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида соҳага қаратилган ғоят муҳим масалалар муҳокама қилинди, зарур ечимлар кўрсатилди. Аниқ мақсад белгилаб берилди: маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак.**



Бугун замон суръати тез, ўзгаришлар кўлами кенг, чегара билмас ахборотлар кўп. Булар ривожланишга замин бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир давлат, миллат олдига катта масъулият, жиддий ташвиш, ўйлантирадиган саволлар қўймоқда. Дунё барчамизнинг кўз ўнгимизда “ғоялар жанги”га айланиб боряпти. Давлатимиз раҳбари айтганидек: **“Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.**

Бу йўлда ҳаракатларимизни натижага, натижаларимизни давомийликка айлантириш давр талаби. Тўхташ — ортга, ҳаракатсизлик — мағлубиятга, сукунатимиз — ғоялар ҳужумига олиб келади.

Бу борада йиғилишда Президентимиз 9 та йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди. Шулардан бири ҳудудлардаги 4 та секторга қўшимча равишда маънавият секторини ташкил этишдир. Бу билан маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимларнинг масъулияти ошади, туман ва шаҳарларда маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилади, сектор маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмасига айланади.

Маънавият секторини ташкил этиш ташаббуси Президентимизнинг ўтган йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарёга ташрифи чоғида зиёлиларимиз томонидан билдирилган эди.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, халқ манфаатини ўйлаш, элни бой, мулкдор қилиш, ҳуқуқини мустаҳкамлаш 4 та сектор мисолида тизимли равишда йўлга қўйилган бўлса, 5-сектор шу йўлдаги маёқдир. Бу халқимизнинг азалий қадриятлари, маърифатпарвар боболаримиз орзуси, тараққийпарвар жадидлар йўли, тарбия, ватанни севиш, садоқат ва фидойиликдир.

### Қарор ижро билан кучли

Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си, мана, неча асрки, қайта-қайта нашр этилиб, ўқиб келинмоқда. Мазкур асарда “**Агар бирор кишининг фармонга салбий муносабати маълум бўлса ё унинг ижроси чўзилиб кетгани тўғрисида хабар етса, ундай кишига, агар у яқинлардан бўлса ҳам, жазо берилади**”, деб ҳақли қайд этилган. Зеро, қонун ижроси билан кучлидир.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган 2023 йил 22 декабрь кунги кенгайтирилган йиғилишда жами 107 та топшириқ белгилаб берилган эди. Шу кунга қадар улардан 36 тасининг ижроси таъминланди, қолганларининг ижросини йил давомида бажариш белгиланди. Бугун мазкур топшириқлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш маънавий-маърифий соҳадаги янги ташаббусларни амалиётга жорий этиш, ҳаётийлигини таъминлашда қўл келади.

Мазкур топшириқлар ижроси ҳудудларда, вазирлик ҳамда ташкилотларда қандай таъминланмоқда? Бу борада Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудудлар бўйлаб таҳлилий-танқидий ўрганишлар олиб борилмоқда.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос қадриятлари ва маънавий мезонларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-маънавий муҳит харитасини ишлаб чиқиш мақсадида соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, аҳоли орасида бирдамлик ва дахлдорлик туйғуларини қарор топтиришга қаратилган амалий ишларни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан алоҳида режа-жадвал асосида ўрганишлар бошланди.

Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашларида танқидий-таҳлилий муҳокамалар ташкил этилди ҳамда марказ томонидан услубий-амалий ёрдам кўрсатилиб, келгусидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

*Давоми 3-бетда*



**Ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнатга лаёқатлиларнинг ишлаши ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилган имкониятлар юртимиздаги ўнлаб музаффару аброрларнинг оиласи бағрида фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, фарзандлари ота тарбиясидан, ўгити ва меҳридан баҳраманд бўлиб улғаймоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 7 май, 87-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## Хотира муқаддас — инсон қадри азиз




# УРУШ ҚАТНАШЧИСИ ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШМОҚДА

**Раҳмонберди бобо баҳор ҳавосидан тўйиб нафас олди. Бир асрни қаритаётган нуроний хуш ёқувчи офтобда тобланади. Ҳовлида ўйнаб юрган чеваралари ва Фарангиз исмли қўшни қизалоқнинг “Арғамчи, арғамчи” деган қийқириғини эшитади.**

— Катта бобо, турналар келяпти!

Фарангизнинг катта бобосини Хуррам Пардаев дейишарди. Раҳимберди бобо билан тенгдош. Бир кунда урушга жўнашган, жангга киришган, Германия остонасига қадар душманни чекинтириб боришган. Хуррам уруш тугар палласида ҳалок бўлиб, Берлинда дафн этилди. Ундан бир фарзанд қолди, улғайиб, кўпайиб, ундан эса бир этак бола. Жанггоҳда жанг кечган бобоси ҳақида уни кўрмаган, аммо эшитган Фарангиз сингари ёш авлод вакиллари тез-тез келиб, Раҳмонберди бободан Иккинчи жаҳон уруши хотираларини тинглайди.

Бобо қўли билан қуёшни тўсиб, кўкка тикилади, қулоқ тутади. Қани энди, турналарни кўра олса, овозини эшитса!..

— Бобо, ана турналар арғамчи бўлиб учяпти. Қаранг, қаранг!

Юз билан юзлашиш арафасида турган нуроний кўкдан қидириб, турналарни топа олмайди, уларнинг “қур-қур”ини ҳам эшитмайди. Аммо ғира-шира кўриниб турган тоғлар томон юзланади.

— Бобо, кўрдингизми, улар қаёққа учиб кетяпти, — сўрайди жажжи чевараси Азизжон.

— Улар Сурхонтоғ томонга учяпти. Биз ҳам урушга шу томон қараб кетгандик. Қуюқ сафимиз бор эди, сийрак қайтгандик, — дейди тетиклик билан чол олис қорли чўққиларга тикилиб. — Аввал иккита акам кетди. Биридан хат келиб турарди, бошқаси бедарак йўқолди. 18 ёшимда урушга кетдим.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, “Жасорат” медали соҳиби шўрчилик Раҳмонберди Мирзараҳимов баҳорни ҳар йили шундай дадиллик ва дилгирлик билан кутиб олади. Бироқ ўтган асрнинг, умрнинг оғир суронли йилларида етган жисман ва руҳан жароҳатлари унинг танини, руҳини ҳамон забт этишга шошилади. Отахон таслим бўлмайди. Таслим бўлганида, тақдирга 18 ёшидаёқ таслим бўлиб қўя қоларди. Тақдирини инсоннинг ўзи яратади, деган гапларга ишонади бобо.

1943 йил баҳорида адирлар қуршовидаги дўппидеккина Оқтумшуқ қишлоғи эркакларига яна урушга чақирув келди. Аксар эр йигитлар аллақачон кетиб бўлган, биридан қорахат келган, бошқаси ногирон бўлиб қайтган, аллакимдан эса хат-хабар йўқ эди. Қишлоқда кексалар, аёллар ва қисман ёшлар ҳамда болалар қолган. Эркаклар йўқ жойда аёллар эркакка айланади.

1943 йилда дастлабки тайёргарликдан сўнг 340-ўқчи полк таркибига бориб қўшилган оддий аскар Раҳмонберди Мирзараҳимов Беларусь тупроғини фашистлардан тозалаш учун илк бор жангга кирди.



Қишлоқ хўжалигининг барча оғир юмушлари аёллар гарданига тушган. Аёлнинг қирқта жони бор, деган ибора ўшанда пайдо бўлган бўлса, не ажаб. Чақирув хатидан ёш Раҳмонбердининг яқинлари довдираб қолди. Эндигина ўн еттидан ўн саккизга қадам қўйган йигит тўрвахалтасини елкасига илиб урушга жўнади. Ҳамма даврларда бўлгани каби ўша замонларда ҳам ғирромликлар бўй кўрсатган. Амалдорлар қариндошига келган чақирув қоғозини турфа йўллар билан бошқага ўзгартиришга эришган, аллаким урушга олиб кетилиши, жанггоҳ даҳшатидан қочиб, қўрқувдан ўзини ногирон қилиб қўйган, бошқаси ном-нишонсиз ғойиб бўлган, “дезертир” деган ном олганди. Ёш Раҳмонбердининг қалбида эса фашистларга нисбатан исён учқуни бор эдики, жангларда йўқолган бир акаси ва жанг кечаётган иккинчи акаси ори учун курашга шошди. У қалбидаги душманга бўлган нафрат учқунини оловга айлантирди.

Икки кунлик талотўпда яраланиб, ҳарбий госпиталга тушди. Ўзи билан борган юзлаб ватандошлари қонли жанггоҳда бир кунда баргдек узилди. Шу жанг ва ундан олган сабоғи жангларда, жанггоҳларда тоблади.

Бир ойдан сўнг тузалиб, яна урушга кирди. Беларусь, Польша, Латвия ва Литва ҳудудлари, Днепр бўйлари учун аёвсиз жангларда қатнашди. 1944 йилнинг 7 июнида Минскни озод қилиш учун бошланган, бир ойдан ортиқ давом этган қонли жангларда қон кечди. Немислар юртига кирганларидан сўнг Берлин сари 185 километр масофа забт этилганда, Раҳмонберди қаттиқ яраланиб, фронт ортига қайтарилди, даволанди ва яна урушга борди. 1945 йил 1 май куни Берлин шаҳрига кириб бориларкан, энг яқин икки қуролдош дўстининг хурсандлиги чексиз, жанглар тугаб, юртга қайтиш иштиёқи билан ёнишарди. Аммо 9 май кунига қадар улар бу ёруғ дунёни тарк этиб бўлганди.

Раҳмонберди бобонинг ҳаётдан олган хулосаси шуки, токи ердан ризқ-насибанг узилмас экан, яшайсан!

Уруш тугаб, у Ўзбекистонга қайтди. Нафақат қонли жанггоҳлар, балки фронт орти ҳам жанг майдони эди. Урушнинг оғир оқибатлари бутун мамлакатни, хусусан, дўппидеккина, саноқли хонадон яшовчи ҳозирги Оқтумшуқ, аввалги Далварзинтепа қишлоғидаги ҳаётни издан чиқарган эди. Одамлар яшаб қолиш илинжида оғир кун кўрарди. Қишлоқдан урушга кетган 63 кишидан 22 нафаригина қайтганди, қайтганда ҳам қалби ва жисми қаттиқ яра эди. Қишлоқ аҳли қашшоқлик туфайли турли жойлардан ризқ излаб тарқаб кетди.

Бир асрни қаритган, уруш даҳшатларини кўрган Раҳмонберди бобо бугун баъзида кўнгли бир оз ранжийди.

— Оқибат, орият камёблигидан кўнглим хижил, — дейди отахон яна хотираларга берилиб. — Бу кунлар бир жаннат. Биз кўрган кунларни бошқалар кўрмасин. Унинг қадрини билиш, англаш керак. Ношукрлик эса одамзодни жаҳолатга тортади.

У урушда бўлиб, дунёдаги жаҳолатни биргина маърифат нури билан енгиш мумкинлигини англаб етганини айтади. Урушдан қайтиб, тракторчилар тайёрлаш мактаби, техникум, кадрлар тайёрлаш мактабларида ўқиди.

Шўрчи қишлоқ хўжалиги ривожига ҳисса қўшди. Кенгликларда гектарлаб боғу роғ барпо этилишига бош-қош бўлди. Фарзандларини вояга етказиб, олий маълумотли қилди. Бугун 100 дан ортиқ набира ва чеваранинг севимли бобоси. “Жасорат” медали ва бир қанча нишонларга сазовор бўлди. Бобо юз остонасида ҳам кучли хотирага эга. Гап-сўзида адашмайди.

— Билагим энди кучга тўлаётган пайтда тақдир мени кўп синовларга дуч қилди, — дейди Раҳмонберди Мирзараҳимов. — Ўн саккиз ёшимда урушга олиб кетишди. Жанг майдонларида кўплаб яқинларимдан, дўстларимдан айрилдим. Эҳ-ҳе, ўша мудҳиш йилларда мен каби минглаб ёш йигитлар фронт азобини кўрди. Ҳали ҳам урушни эсласам, кўз олдимда даҳшатли жанг майдонлари гавдаланаверади.

Уруш ва меҳнат фахрийсининг айтишича, яхши замон, тинч Ватан, тўкин дастурхон инсонни яшартиради. Яхши кунларнинг қадрига етиб, Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш, эзгу ишларни амалга ошириш эса саодат.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Аграр тармоқ

# Тежамкорлик кундалик вазифамизга айланмоғи лозим

**— 1 миллиард 125 миллион сўм кредит эвазига томчилатиб суғориш технологиялари харид қилдик, — дейди Тахиатош туманидаги “Боғи Назар Хўжайли” фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон Ортиқов. — Томчилатиб суғорилганда сув ўсимликнинг илдизига боради. Натижада ҳосилдорлик 30 фоизгача ортади. Яъни кам харажат қилиб, мўл даромад олишга имкон беради. 45 гектар ерда ёмғирлатиб суғориш технологиялари ўрнатганмиз. Ўтган йили 40-50 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак, жорий йилда 60-70 центнерни мўлжаллаб турибмиз.**

Юртимизда бундай замонавий суғориш технологияларини жорий этиш учун берилаётган имтиёзлардан Муҳаммаджон Ортиқов каби самарали фойдаланаётган фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Қўнғирот туманидаги “Қониратли Мухаммет” фермер хўжалиги ҳам шундайлардан бири.

— Фермер хўжалигимиз тасарруфидаги 10 гектар экин майдонига ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатдик. Бугунги сув тақчиллиги шароитида бу технология биз учун айни муддао бўлди. Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича suvkredit.uz электрон тизими ишга туширилган. Кредит расмийлаштириш жараёни шаффофлиги таъминланган, — дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Қутлимурод Абдуғаффоров. — Технологияларни ўрнатувчи корхоналар томонидан камида 2 йиллик кафолат берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизмати кўрсатилиши, кредит олувчиларнинг ушбу корхоналар фаолиятини баҳолаб бориш тизими юритилиши бизга жуда маъқул келмоқда.



Қорақалпоғистонда жорий йилда 47 минг 150 гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш режалаштирилган. Жумладан, 4 минг 150 гектарда томчилатиб, 1900 гектарда ёмғирлатиб, 700 гектарда дискрет усулида, 8400 гектарда эгилувчан қувурлар ёрдамида, 1500 гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш йўлга қўйилади. Шунингдек, 30 минг 500 гектар ер лазерли текисланмоқда.

— Бугунги кунда suvkredit.uz дастурига 4780 гектар учун 328 та фермер хўжалигининг аризаси қабул қилинди, — дейди Қорақалпоғистон Сув хўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Абу Қидирбоев. — Ирригация муҳандислари томонидан 189 фермернинг 3462 гектар майдони ўрганиб чиқилиб, ижобий хулоса берилди. Шунингдек, ўрганиш жараёнида 9 фермер хўжалигининг 81 гектар майдони салбий хулоса олди. Барча туманларда аризаларни кўриб чиқиш, қарздорликларни сўндириш ва платформага киритиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Ҳозиргача suvkredit.uz дастури орқали 118 талабгорнинг 1991 гектар майдони учун 22 миллиард 782 миллион сўм кредит молиялаштирилди. Айни вақтгача 56 фермер хўжалигининг 933 гектар майдонида ўрнатиш ишлари бошланди.

Оролбўйида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш энг долзарб масалалар сирасига киради. Оддий мисол, бир гектар жойни суғоришга 6500 куб метр сув сарф қилинса, томчилатиб суғоришга 1200 куб метр сув етади. Бу беш баробар кам деганидир.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Бандлик

# ДАВЛАТНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

**— Аввал чет элда ёлланма ишчи бўлиб ишлардим, — дейди Бағдод туманидаги “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Аброр Усмонов. — Пул топиш учун оғир меҳнат шароитида ишлашга мажбур эдим. Йиллаб яқинларимни кўрмадим. Уйга қайтгач, ишсизлигим учун “Ёшлар дафтари”га киритилдим. Энди ҳаётимни яхшилаш учун кўплаб имкониятга эгаман. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан яшаш жойимизга яқин, сувга қулай 20 сотих экин майдонини “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали 6 миллион 200 минг сўмга сотиб олдим. Ер участкаси қийматини 10 йилда тенг улушда фоизсиз бўлиб тўлашим мумкин. Бу — жуда катта имконият. Қолгани қунт ва ҳалол меҳнатга боғлиқ. Экин майдонида қалампир кўчати парваришлаяпман. Чунки у бозоргир маҳсулот. Кўчатларимиз тез кунларда ҳосилга киради. Ҳосилни ҳўл ҳолатда ҳам, қуритиб ҳам сотиш мумкин. Биринчи мавсумнинг ўзида 30 миллион сўмдан зиёд даромад олишни кўзлаб турибман. Маҳсулот етиштириш билан бирга қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда сотиш бўйича бизнес лойиҳалар устида ишлаяпмиз.**

Президентимизнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Аброр каби меҳнаткаш, мақсади йўлида собитқадам ёшларнинг орзу-нияти рўёбида ёрдам бераётир.

“Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз 25 ёшга “Бойчипор учқуни” фермер хўжалигига қарашли 3,6 гектар унумдор ер тақсимлаб берилди. Ёшларнинг даромад топишига кўмаклашиш мақсадида бу майдонда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 350 минг туп қалампир кўчати экилган. 20 сотих ерга 6 мингдан ортиқ қалампир кўчати жой бўлади. Бу 6 тоннадан зиёд ҳосил олиш мумкин, дегани. Боз устига ортиқча харажатларсиз, бозоргир маҳсулот етиштириш барча учун қулай. Маҳаллада “Перец Импекс” МЧЖ кооперацияси ташкил этилган. У кўчат етказиб бериш ҳамда парваришлаш билан боғлиқ агротехник жараёнларда ёш деҳқонларга ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Тайёр маҳсулотни даланинг ўзидан сотиб олади.

— Бағдод туманининг ўзида 1400 дан ортиқ ёш бу имтиёздан баҳраманд бўлади. Уларга 280 гектар унумдор ер майдони “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали шаффоф тарзда тақсимлаб берилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Қаҳрамон Мирзақулов. — Маҳаллаларни ўрганиш жараёнида “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, деҳқончилик қилиш истагини билдирган, ерга эҳтиёжманд йигит-қизлар рўйхати шакллантирилди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ёшлар ўртасида ерни ижарага бериш бўйича “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион ўтказилмоқда. Шу йўсинда ёшларга деҳқончилик қилиб, даромад топиши учун ўзи яшаётган ҳудуддаги унумдор ва суғоришда муаммо бўлмайдиган майдондан ер ажратиб беріляпти. Кўчат, уруғлик, минерал ўғит, техника воситалари билан таъминламоқда, малакали мутахассислар бириктириляпти. Ер эгалари билан ҳамкорликда ишловчи кооперациялар ташкил этилди.



Фарғона вилоятида иш ўринлари яратишнинг самарали йўли таклиф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, ёшларга ер ажратиш орқали даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ташаббус янги имконият эшикларини очди. Ер олиш истагидаги 21 мингдан ортиқ йигит-қизга “маҳалла еттилиги” тавсияномалари берилди. “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ҳозирга қадар 3921 ёшга мақсадли фойдаланиш учун 876 гектар ер ажратилди. Бу майдонда сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкат, маккажўхори, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш билан боғлиқ амалий ишлар бошлаб юборилди.

Учкўприк туманидаги “Султон” маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий дафтарларга киритилган 22 йигит-қизга “Фар Эсон деҳқон” фермер хўжалиги дала майдонидан унумдор ер ажратиб берилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олган янги тизим ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

— Менга ҳам унумдор ер ажратиб берилди. Шу ерда ишлаб, ҳалол меҳнат қилиб, оиламиз даромади ошишига ҳисса қўшмоқчиман, — дейди “Султон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаммадюсуф Турғунов. — Картошка, қизил ловия, исмалоқ экиб, бир мавсумда уч марта ҳосил кўтариб, мўмай даромад олишни кўзлаяпман. Четга иш излаб боришга ҳам зарурат йўқ. Бу бизга берилган улкан имконият. Ундан мақсадли фойдалансак, турмушимиз фаровон бўлаверади.

Ажратилган ер нафақат ёшлар бандлигини, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўллиги, бозорлар тўкинлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

— Вилоятимиздаги ҳар бир маҳаллада ёшлар бандлиги дастури амалга оширилиб, ижроси кунига таҳлил қилиб борилмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳаммадамин Ғаниев. — Йил бошидан буён қарийб 11 минг ишсиз ёшнинг 3 мингга яқини бандлиги таъминланди. Аксарияти доимий ишга жойлаштирилди, 264 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга субсидия асосида 592 миллион сўмлик меҳнат қуроллари, деҳқончилик қилиш истагидаги 324 ёшга 42,1 минг гектар экин майдони ажратиб берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига 5,44 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига 1273 йигит-қиз иш билан банд қилинди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, субсидия, ер майдони ва кредит ажратиш орқали йил охирига қадар 7886 ёш иш билан таъминланади.

— Ўн йилга яқин муддат Россияда ишлаб юрдим. Топганим ейиш-ичишдан ортгани йўқ. Уйга қайтганимда ўғлим бегонадек кутиб олди. Бундан қаттиқ таъсирландим, — дейди Бешариқ туманидаги Маърифат маҳалласида яшовчи Музаффар Орипов. — Яқинларим ҳам сарсон-саргардон юришимга қаршилик қилди. Маҳалладаги ёшлар етакчиси билан маслаҳатлашиб, имтиёзли кредит олиб, новвойхона очдим. Ҳозир меҳнатим ва изланишларим самарасидан маҳалла аҳли баҳраманд бўляпти. Шундай ишнинг бошини тутганим учун ота-онамга раҳмат айтади. Маҳалладошларимнинг эзгу тилагидан руҳланаман, куч-қувват оламан. Шу ерда ишлаб ҳам яхши яшаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнатга лаёқатлиларнинг ишлаши ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилган имкониятлар юртимиздаги ўнлаб музаффару аброрларнинг оиласи бағрида фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, фарзандлари ота тарбиясидан, ўгити ва меҳридан баҳраманд бўлиб улғаймоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# МАЪНАВИЯТ СЕКТОРИ — ЯНГИ ҲАРАКАТ, ЯНГИ КУЧ



**Отабек ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, жорий йилнинг 2-5 апрель кунлари Қашқадарё вилояти, 15-18 апрель кунлари Сирдарё вилоятида топшириқлар ижроси, ушбу ҳудудларда маънавий-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги фаолият ишчи гуруҳ томонидан таҳлилий ўрганилди. Ўрганиш натижалари бўйича вилоят ҳокими, вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши раиси билан биргаликда танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда асосий мақсад мазкур ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш, камчиликларни кўрсатиш, муаммоларни ўртага ташлаш, ечимини кутаётган масалалар бўйича таклифлар беришга қаратилди.

Ҳудудларда бу каби ўрганиш ишлари олиб борилиши натижасида тизимдаги фаолият таҳлил қилинади, камчиликлар кўрсатилади, муаммолар ўрганилади, таклифлар ишлаб чиқилади. Мақсад битта — фаолиятимизни шаффоф, мақсадли, натижали, самарали амалга ошириш.

Шу ўринда айтиш лозимки, айни кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ҳамда йиғилиш баёнларида Республика Маънавият ва маърифат марказига 870 та топшириқ белгиланди. Шундан 753 тасининг ижроси таъминланди, 117 таси бажарилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чораги давомида маънавий-маърифий фаолиятга доир жами 54 та топшириқ белгилаб берилган. Уларнинг ижроси тегишли тартибда бажарилди.

Зеро, масъулият, қатъий тартиб, ижро интизоми олдимизга қўйган мақсадларимизга етишимизда энг яқин кўмакчидир.

### Буюк алломаларга бешик бўлган кўҳна замин тажрибаси

Сурхондарё маърифат, маданиятдан дунёга сабоқ берган Имом ат-Термизийдек донишмандлар юрти, жасорат, ватанпарварлик, садоқатда ғанимни ҳам лол қолдирган Алпомишлар диёри.

Бежиз маънавият сектори фаолияти мазкур ҳудудда тажриба тариқасида йўлга қўйилмади. Бунда ҳам ўзига хос маъно бор, маънавият дебочаси мамлакатимизнинг ана шундай жануб жавоҳиридан бошланмоқда.

Маънавият секторининг асосий вазифаси нима? Келинг, шу ўринда ушбу саволга жавоб бериб ўтсак. Мазкур янги сектор шаҳар ва туманлар, ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини таъминлаш ва бу борада тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси, ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади.

Буни яна ҳам соддалаштириб айтадиган бўлсак, бир инсон оилада туғилиб, маҳаллада улғайиб, таълим масканида илм олади. Маънавият секторининг асосий вазифаси ушбу жараёнда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, шу асосда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу жараён эса доимий мониторинг тизими орқали таҳлил қилиниб, илмий асосланиб, амалий ҳаракатлар билан бойитиб борилади.

Пировард мақсад эса битта — бугунги таҳликали замонда бизни ҳам четлаб ўтмаётган мафкуравий таҳдидларга қарши дадил курашиш, қатъий ишлаш, самарали натижа кўрсатишдир.

Шу ўринда бир жиҳатга аҳамият қаратиш лозим. Бугун ҳар биримиз эзгу мақсадимизга етишда амалда ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур. Бунинг учун ҳар биримиз "ғоявий жангчи"га айланишимизни замон талаб қилмоқда, давр тақозо этяпти. Шу сабабли аввал амалга оширмоқчи бўлган ишларимизнинг моҳиятини, ғоясини, мазмунини ҳар тарафлама илмий асослаб, ўрганиб, таҳлил қилиб олишимиз зарур. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан олимлар, тадқиқотчилар, зиёлилар, соҳа мутахассислари иштирокида ҳар бир тизимда янги сектор "қандай ишлайди?", "нима дейди?", "қандай нафас олади?" каби саволларга жавоб топиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди. Марказ томонидан ҳудудларда ушбу сектор фаолиятини намунали йўлга қўйиш учун уларнинг инфратузилмаси, ижтимоий-маънавий муҳити ҳисобга олинган алоҳида намунавий методик қўлланмалар, тавсиявий йўриқномалар яратилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари 15 та туман (шаҳар) маънавият секторига масъул этиб белгиланган. Шу мақсадда 454 та мактабгача таълим ташкилоти, 960 та мактаб, 54 та профессионал таълим ва 7 та олий таълим муассасаси, 724 та маҳалла, 360 та бошқарма ва ташкилотда маънавият секторининг бошланғич таянч тузилмалари ташкил этилган.

Мазкур секторларнинг барчасига алоҳида хона ажратилган. Хоналар шунчаки ўтириш учун эмас, унда ҳам маърифат акс этишига эътибор қаратилган.

Секторнинг маҳалла бўғинини ташкил этишда Андижон вилояти Марҳамат туманидаги "Дукчи Эшон", Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "Қирсадақ" маҳалла фуқаролар йиғини тажрибаси ўрганилди.

Жорий йил 16 апрель куни Термиз шаҳрида "Маънавият сектори"ни "Сурхондарё тажрибаси" мисолида намунали йўлга қўйиш мавзусидаги республика семинари ташкил этилди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан мазкур йўналишга масъул раҳбар ва ходимлар иштирок этди. Семинардан мақсад — ҳудуддаги тажрибани ўрганиш, амалий жиҳатларга эътибор бериш, барча масъуллар ўз ҳудудларида қандай қилиб сектор фаолиятини ташкил қилиш борасида кўникмаларга эга бўлишига эришишга қаратилди.







### Замон янги, давр янги, тарғибот асло эски бўлмаслиги керак

Маънавият сектори янги давр нафаси ва овозидир. Бунда янги авлод ёшлари, уларнинг ўй-фикрлари, маърифати йўлидаги лойиҳалар ҳам акс этмоқда.

Бугун ёшлар тарбияси, эртаси, илм олиши, уларнинг шу орқали янги Ўзбекистонга қанот бўлиши учун зиёлилардан ҳар доимгидан ҳам кўпроқ фидойилик талаб қилинади. Маълумки, бугун мамлакатимизда 29 минг 420 та мактабгача таълим ташкилоти, 10 минг 180 та умумтаълим мактаби, 213 та олий таълим муассасаси мавжуд. Уларда бугун фарзандларимиз илм олмоқда, тарбия топмоқда. Глобаллашув шароитида эса, аввало, инсон онги ва қалбини забт этиш марраси қўйилмоқда. Курашлар кескин тус олаётган бир даврда халқаро майдонда ёшларни ҳар қандай хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқоди ва қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу вазифаларни амалга оширишда замонавий қарашлар, ёшлар фикрини ўрганиш, уларни тинглаш жуда ҳам муҳим. Шу мақсадда ёшлар билан бир қатор учрашувлар ўтказилди, янги лойиҳалар режаси тузилди, ёш ижодкорлар учун грантлар ажратиш, болалар учун миллий қаҳрамонлар яратиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинди.

Айтиш лозимки, "Янги куч" ижтимоий ҳаракати, "Ибрат мактаби" концепцияларига нафақат топшириқ ижроси, балки ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган янгича методик дастур деб қарашимиз, бу борада ёшларнинг тафаккури, дунёқарашидан келиб чиқиб, самарадор механизмларни янгилаб боришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча ҳудудларда маънавият секторини жорий қилишда, албатта, ёшлар тарбияси, маърифати, замонавий фикрлари, ватанпарварлигини ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Негаки бугунги тарбия, маърифат, ватанпарварлик миллат эртаси, ватан тақдири, юрт келажаги, деганидир.

### Зиёлилар барчани уйғотувчи, етакловчи кучга айланиши шарт

Биз бугун маънавият ва маърифат ишини янги поғонага кўтариш учун, аввало, фаол фуқароларга эҳтиёж сезамиз. Шу сабабли ҳозир Республика Маънавият ва маърифат марказида олимлар, соҳа мутахассислари томонидан "Фаол фуқарони шакллантириш" концепцияси лойиҳаси тайёрланмоқда.

Концепцияда то она қорнидалигидан бошлаб улғайгунча болага бериладиган эътибор, тарбия, маърифий озуқа асослари яратилмоқда. Бунда тадқиқот натижаларига таяниб, ёшларнинг психологик ва физиологик хусусиятлари ҳам инобатга олинмоқда.

Уйғоқ фикрлиларни тарбиялаш олдимизга қўйган асосий мақсад ва вазифаларимиздан биридир. Имом Мотуридийнинг "Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай" деган ҳикматли сўзлари бор. Бугун халқ билан мулоқот қилиш, уларни тинглаш ва муаммоларига ечим топиш сиёсат даражасига кўтарилди. Ҳар бир муҳим давлат сиёсати, аввало, халқ билан келишилиб, ҳамфикрликда, ҳамжиҳатликда амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай ислоҳотнинг самараси жамиятнинг унга билдираётган муносабати, фидойилиги, ташаббускорлиги ва дахлдорлигига боғлиқ. Зотан, маърифатпарвар боболаримиз "Тилда, фикрда, ишда бирлик", деган. Бугун олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун барчамиз бирлашишимиз керак, ҳаракатларимизни бир кучга айлантирсаккина, тарбия, маърифат янги ҳаракатга айлана олади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Кинематография миллий агентлиги ва бошқа қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликдаги режаларимизни бирлаштиряпмиз, мақсадли меморандумларни имзолаяпмиз. Ҳамкорликда бошлаётган ишларимиз топшириқларни ҳаётда ва амалда самарали бажариш, соҳа фаолиятини янги, замонавий босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Дастлабки натижа сифатида ҳозир Кинематография миллий агентлиги билан ҳамкорликда **"Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — ватанмиз"** шиори остида чекка ҳудудларда турли лойиҳалар, "Кинокарвон" акциялари ўтказиб келинмоқда.

Бугунги таҳликали замонда Республика Маънавият ва маърифат маркази зиёлилар кучи, уларнинг фидойилиги, уйғоқ қалблар, шижоатли ёшлар ҳаракати, минбари, овозига айланиши лозим. Хусусан, "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасида барча зиёлиларни бирлаштириб, марказ ташаббуси билан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида "Маърифат боғи" яратилди. Бу ҳаракат зиёлиларнинг келажак олдидаги масъулияти, виждон иши сифатида барча ҳудудларда давом эттирилиши белгиланди.

Зеро, маърифатпарвар бобомиз Чўлпон қайд этганидек, **"Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси".** Шу маънода маънавият сектори зиёлиларнинг янги ҳаракати, барчани уйғотишни олдига мақсад қилиб қўйган эзгу ташаббусдир.

## УЙҒОҚ ФИКР

# ГУРУНГНИ БОҒЛАГАН ГАПЛАР

**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**



**Уйимиз ёнидан туман марказига қатнайдиган машинанинг орқа ўриндиғидан жой олдим. Ўрта қаторда икки аёл, бири тўйга, бошқаси набирасини боғчага олиб йўлга чиққан. Маҳалла одамлари бир-бирини яхши танийди. Иккиси ҳам пенсия ёшидаги маҳалладош янгаларимиз бемалол гурунг қилиб, кулишиб кетиб борарди. Бир маҳал: "Сен нега менга қозоқча гапиряпсан?!" деди Улкен янга ёлғондакам пўписа билан. Унга жавобан Баҳор янга ҳам бўш келмади: "Мен ҳам сизга ўхшаб чолимнинг тилида гапиряпман, женше", деди. Машинада ўтирганлар бирданига кулиб юбордик. Ўзбекча гапиришни талаб қилган янганинг миллати қозоқ, ўзбек оиласига келин бўлган. Баҳор янгада эса бунинг акси.**

Уларнинг ҳазилидан сўнг беихтиёр гурунг ўзбек-қозоқ, деган гапларга боғланди. Кимдир қўшни мамлакатдаги талафот ҳақида гап очди. Ҳамма ўзининг уйи сув остида қолгандай бирдан маҳзун бўлади. Кейин кимдир қардошларимизга гуманитар ёрдам юборилганини эслади. Бошқа биров телефонидан видеолавҳа қўйди. Унда қозоғистонлик дўстимиз овозини баралла қўйиб, бизга — ўзбекистонликларга юборилган ёрдам учун раҳмат айтади. Лавҳадаги йигит бирор амалдор эмас, шунчаки кўчада кетаётиб юк машиналарни кўрган оддий инсон. Унинг сўзларидан, овозидаги титроқдан қанчалик қувонганини ҳис этиш мумкин. Фахр, қувонч ва ҳаяжон қоришиқ туйғу сабаб танамда чумоли юргандай бўлади. Айни дам уловдаги маҳалладошларим ҳам, ҳатто жонсиз машина худди шу ҳиссиёт ичра кетаётгандай эди гўё. Бошқа давлат фуқароси, ўзга миллат вакили юртингни олқишлаб, халқингни мақтаса, кўнглингдан шундай туйғулар кечар экан-да!

Кейинги йилларда жаҳон сиёсий қиёфаси тубдан ўзгарди. Вазият энг кучли таҳлилчиларни ҳам ўйлантириб қўймоқда. Халқаро алоқаларда дўстлик нисбий тушунчага айланиб бўлди. Ижтимоий тармоқларда урушнинг аянчли манзарасини юрак ҳовучлаб кузатиб боряпмиз. Гўдаклар йиғиси, уларнинг абгор ҳолатдаги сурати, энг даҳшатлиси, боласининг жонсиз жасадини бағрига босган она ноласи... Буларнинг ҳеч бири дунёга ҳукмронлик қилиш истагидаги кучларни ўйлантираётгани йўқ. Нафсига қул бўлганлар бошқаларга эгалик қилиш илинжида ўқ отишдан тўхтамаяпти.

Айни вазиятда кўп векторли сиёсат юритиш, тинчликни сақлаш осон эмас. У мураккаб ва оғир юмуш эканини халқаро сиёсатни оз бўлса-да, ўрганган одам яхши билади. Ана шу вазиятда иқтисодий жиҳатдан барқарор, кадрлар масаласида етакчи бўлган давлатларгина ютади. Чунки айнан шу жиҳатлар мамлакатнинг бошқаларга қарамлигини максимал даражада камайтиради. Ички имкониятлар кўлами эса мустақилликни мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, тили, қадриятлари, эътиқоди бир мамлакатларнинг битта мақсад атрофида жамланиши юқорида айтилган омилларни тез ва изчил ривожлантириб боришда қўл келади. Шу маънода Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ташаббуси, шу йўналишдаги амалий қадамлари беқиёсдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг минтақа давлатлари билан муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилди. Сиёсий мулоқот фаоллашди. Натижада савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар кенгайтирилди. Ҳатто ҳудудлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Масалан, жануб вилоятларимиз масъуллари Тожикистонда меҳмон бўлиб, ҳамкорлик ҳужжатларини имзоласа, Тошкент вилояти мутасаддилари қозоғистонлик ҳамкасбларини кутиб олмоқда. Яъни муносабатларимиз юқоридан қуйигача етиб борди. Энди қуйи тизимдаги изчил ҳамкорлик юқори даражадаги иттифоқчиликка замин яратмоқда. Рақамлар ҳам шунга яраша. Дейлик, 2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистон — Қозоғистон ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,4 миллиард долларга етди. Қувонарлиси, 2016-2023 йилларда давлатларимиз ўртасидаги бу кўрсаткич икки баробардан кўпроқ ошган.

Тожикистон билан боғлиқ рақамлар ҳам кишини қувонтиради. Масалан, 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 237,9 миллион долларни ташкил қилган эди. Ўтган даврдаги ишончли ва дўстона муносабатлар сабаб бу кўрсаткич 2023 йил якунига келиб, уч баробар ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда тожик капитали иштирокида 289 та, Тожикистонда эса мамлакатимиз резидентлари иштирокида 71 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Қирғизистон билан товар айирбошлаш 5, Туркманистон билан эса 3 баробар кўпайган.

Бундан ташқари, маданий-маърифий, логистика, энергия ва сув, табиатни асраш каби ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган алоқаларда янгича руҳ, кайфият кузатилмоқда. Халқимиз қиёматда ҳам одамнинг қандай экани қўшнидан сўралади, дейди. Шу боис, тансиқ таом пиширганда қўшни ҳаққи дея бошқаларга улашамиз. Айнан шундай қадриятлар ҳамсояларимиз билан муносабатларимизни мустаҳкамлайди. Бир-биримизга ҳурматимиз, меҳримиз ошади. Дарвозасига қулф осилмаган уйимизда ҳеч ким йўқ бўлса ҳам кўчада хотиржам юрамиз. Мамлакатлар ўртасидаги яқин қўшничилик муносабатлари ҳам худди шундай. Халқаро сиёсатда дўстлик нисбий тушунча бўлиб турган пайтда манфаатлари муштарак қўшниларнинг том маънода иттифоқчи эканига шубҳа йўқ. Давлатимиз раҳбари Тожикистонга навбатдаги сафари чоғида тарихий ҳужжатга имзо чекди. Шу орқали ҳамкорлигимиз янги ва ортга қайтмас босқичга кўтарилгани эътироф этилди.

Шулар ҳақида ўйлаб, машина ойнасидан ташқарига қарайман. Оппоқ бўлиб қийғос гуллаган тоғолча кўзни олади. Уларга қўшилиб йўл четидаги уйлар ҳам улов тезлигига монанд липиллаб ўтади. Хаёлимни яқин ўн йиллик хотиралар эгаллайди. Ўшанда онам кунда-кунора Тожикистонда яшайдиган опасини эслар, кўриша олмаётганидан ўкинарди. Кейин ўзи туғилиб ўсган қишлоқ, ота ҳовлиси ёнидан оқиб ўтган Кофарниҳон дарёси ёдига тушарди. Онам болалиги ўтган қишлоқни, одамларни, қўшни мамлакатда яшайдиган опаси каби дарёни ҳам соғинган эди. Машинада йўлга чиқилса, ярим кун вақт кетмайдиган масофадаги соғинч йилларга чўзилиб борарди. Негаки Тожикистонга бориш учун ўша давлатнинг фуқароси чақириқ хати юбориши керак эди. Бунинг учун давлатларнинг пойтахтига бориш зарур бўларди. Буни қарангки, Тожикистонда яшайдиган холамнинг қизлари бизнинг юртга келин бўлган. Ўша вақтларда улар ҳали фуқаролик олиб улгурмаган, ўз уйида худди меҳмон каби яшарди.

Бир сафар холамнинг кичик қизи ҳужжат иши учун Тожикистонга борган. Фарзанди бу ерда туғилгани учун уни олиб ўтиш муаммо бўлганди. Аксига олиб, ўша сафар ишлари вақтида битмайди. Оқибат холаваччам Тожикистонда, сутдан айрилмаган боласи эса юртимизда қолиб кетиб бир ой яшайди. Ўшанда бу оиланинг азоби — онанинг айрилиқдан, боланинг соғинчдан кўзлари косасига ботиб кетганини тасаввур этиш мушкул.

Ҳозир шу гапларни ёзяпман-у, ўтган воқеаларга ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Ваҳоланки, бу кунларни қариндошларимиз билан бошимиздан ўтказдик. Ўтган қишнинг совуғи йўқ, деб шунга айтишса керак-да. Шукрки, бугун манзара мутлақо бошқача. Буни дўстона сиёсат натижаси, деган расмий иборанинг ўзи билан тўла изоҳлаб бўлмайди. Уни оддий одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар орқали ҳис этиш мумкин. Биргина мисол, ҳозир холамнинг қизи Ўзбекистон фуқароси бўлган. Исталган вақтда ота уйига бориб, яқинлари, онаси ҳолидан хабар олади. Тоғам кўнгли тусаган вақтда машинасини опа-сингиллар дарвозасига ўнглаб: "Бўлинглар, опамни кўриб келамиз!" дейди ва қўшни маҳаллага кетаётгандай Тожикистонга бориб келади. Ҳолбуки, улар йиллар давомида бир-бирини кўришга муштоқ эди. Уларнинг аввалги ва ҳозирги ҳолатини ҳеч бир сўз, образ билан ифодалаб бўлмайди.

Қадимда халқлар ўзини улкан қалъа билан ҳимоя қилган. Душман қўрғон деворини буза олмаслиги учун қалъани айлантириб сунъий кўл ҳосил қилинган. Ҳимоя деворида соқчилар доим ҳушёр турган. Қўрғон қанча мустаҳкам бўлса, ғаним шунча олисдан айланиб ўтган. Негаки ишғол қилиш душвор бўлган қалъа сабаб вақтини беҳуда сарф қилишдан, мағлубиятдан чўчиган. Ҳозирги таҳликали замонда ҳимоянинг ушбу тури бир оз бошқача қиёфа касб этади. Яъни давлатларимиз ичан, Марказий Осиё эса умумий бўлган дишан қалъамиздир. Илло, Хива шаҳри Туркий дунё пойтахти ахир!

Бирдамлигимиз, иқтисодий ҳамкорлик сабаб моддий барқарорлик ва маданий алоқалар орқали халқларимиз орасидаги ҳамжиҳатлигимиз ҳимоя деворимиз, сув тўлдирилган кўлимиз ҳисобланади. Шу маънода оддий одамлар орасидаги самимий муносабат давлатлар ўртасидаги дўстона сиёсат маҳсулидир.

**Халқаро анжуман нафақат юртимиз, балки жаҳон аҳлида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, кун мавзуси бўлиб турди. Тадбирга тайёргарликдан тортиб, ўтказиш жараёнининг барча босқичида катта формат, кенг кўлам кузатилди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz



# НАТИЖА кутилганидан ЮҚОРИ

## III Тошкент халқаро ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА 26,6 МИЛЛИАРД долларлик КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

**Буюк ипак йўли қадимда Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий карвон йўли бўлган. Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи мазкур йўл орқали хорижлик савдогарлар Марказий Осиёга келиб, савдо алоқаларини мустаҳкамлаган. Орадан асрлар ўтиб, мамлакатимиз яна шу майдоннинг асосий иштирокчисига айланмоқда. Дунё ишбилармонлари ва сармоядорлари Ўзбекистон орқали Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиряпти. Ўтган ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форуми эса қитъанинг энг муҳим иқтисодий платформаси сифатида эътироф этилмоқда.**



**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Халқаро анжуман нафақат юртимиз, балки жаҳон аҳлида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, кун мавзуси бўлиб турди. Тадбирга тайёргарликдан тортиб, ўтказиш жараёнининг барча босқичида катта формат, кенг кўлам кузатилди. Ахир дунёнинг машҳур компаниялари, ишбилармон ва инвесторларини кутиб олиш, ўзаро мулоқот майдони яратиб, манфаатли келишувларга эришиш осон иш эмас. Қолаверса, бу йил учинчи бор ўтказилган форум иштирокчилари сони рекорд даражага етган. 93 мамлакатдан 2,5 мингдан зиёд вакил айни шу халқаро анжуманда қатнашиш мақсадида келди.

Улар орасида хорижий ҳукумат вакиллари, халқаро корпорациялар, молия институтлари ва банклар раҳбарлари, иқтисодиёт ҳамда инвестиция бўйича мутахассисларни учратиш мумкин. Меҳмонларнинг кун тартиби анча тиғиз бўлди. Анжуман доирасидаги 40 дан ортиқ тадбирда иштирок этди. Анжуман икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илғор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди. Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумини 30 мамлакатдан келган 100 дан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситаси ёритиб борди. "CNN", "Euronews", "London Post" ва "Associated Press" каби етакчи нашрлар форум ҳақида мақолалар эълон қилди. Уларда хорижлик ишбилармонларнинг илиқ фикрлари, холис баҳоларини ўқиш мумкин.

— Халқаро анжуман хорижлик ишбилармонларга Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти билан танишиш учун ажойиб имконият яратди, — дейди Мисрдаги "IRSC Sullex" компанияси раиси Эндрю Дэниел. — Биз бу мамлакатга сармоя киритишдан манфаатдормиз. Чунки бу ерда инвестиция учун жозибадор муҳит яратилган. Айниқса, давлат раҳбарининг мамлакат равнақи, янги лойиҳаларни илгари суриш йўлидаги фаоллигини кўриб, қизиқишимиз янада ошди. Бу бизни инвестиция киритиш орқали ана шу мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга ундамоқда. Форумдаги иштирокимиз самарали бўлди. Қадоқлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик тармоқларида логистикани ривожлантириш бўйича шартнома имзоладик. Ўзбекистонга хомашёни экспортбоп тайёр маҳсулотга айлантиришга кўмаклашамиз. Келгусида логистика паркини барпо этиш режамиз бор. Ишончим комилки, мазкур анжуман орқали Ўзбекистон иқтисодиётига яна кўплаб сармоялар кириб келади.

### Йирик тармоқдаги салмоқли лойиҳалар

Халқаро форум якунида эътирофга арзигулик натижалар қайд этилди. Ўзаро мулоқот самарасида умумий қиймати 26,6 миллиард долларга тенг келишув имзоланди. Ўтган йили бу рақам 11 миллиард долларни ташкил этган эди. Ўшанда имзоланган лойиҳалар бугун фаол амалга оширилиб, барча соҳа ривожида етакчи ўрин тутмоқда. Энди улар қаторига янгилари қўшилади.

Жорий йилги ҳамкорлик ва эришилган келишувлар нафақат қиймат, балки кўлам жиҳатидан ҳам анча кенг. Хусусан, Саудия Арабистонининг "Data Volt" компанияси билан ҳамкорликда Янги Тошкентда шаҳар инфратузилмаси ва яшил технологияларга асосланган "маълумотлар марказлари" қуриш, "ACWA Power" компанияси билан умумий қиймати 6,2 миллиард долларлик лойиҳа — Қорақалпоғистонда қуввати 5 гигаваттли шамол электр станцияси ҳамда 2 гигаваттли электр энергиясини сақлаш қурилмалари қуриш, Хитойнинг "Shaynxay Knud International" компанияси билан ҳамкорликда Наманган вилоятида тўқимачилик маҳсулотлари, Сингапурнинг "Vilmar International" компанияси иштирокида Тошкент вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва учун озуқа ишлаб чиқариш сингари йирик инвестиция лойиҳалари шулар жумласидан. Қолаверса, форум доирасида қатор йирик компаниялар билан қиймати 6,6 миллиард долларга тенг янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.





— Мазкур кенг кўламли форумда илк бор иштирок этдик ва у ҳақиқатан барча инвесторларни бирлаштирган ноёб платформа эканига гувоҳ бўлдик, — дейди БААдаги "Amea Power" компанияси ривожланиш лойиҳалари катта директори Басма Бентахер. — Бу ерда мамлакатингизнинг барча идора вакиллари билан бир жойда учрашиш имконияти берилди ва бу инвесторлар учун жуда қулай. Компаниямиз Дубайда жойлашган. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги илк ҳамкоримиздир. Форум доирасида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида умумий қуввати минг мегаватт бўлган шамол электр станцияси қурилиши лойиҳасини муҳокама қилдик ва шартнома имзоладик. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлиб, келаси йилнинг февралида иш бошлайди. Ушбу станция ишга туширилиши натижасида йилига 3,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, 1,060 миллиард куб метр табиий газ захираси тежалиши мумкин. Шунингдек, 1,48 миллиард тонна зарарли газ атмосферага чиқишининг олди олинади. Бундан ташқари, яна бир янги лойиҳа бўйича ҳам келишувга эришиш арафасидамиз. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликда иккита лойиҳамиз бор ва натижадан мамнунмиз. Форум доирасида мамлакатнинг инвестиция салоҳияти билан танишар эканмиз, инвесторларни жалб қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида фаол саъй-ҳаракатларга гувоҳ бўлдик. Бу биргаликда ишлашимизни осонлаштиради.

Бу галги форумда аввалги йилдагидан салкам икки баробар кўп хорижлик делегат иштирок этгани ҳам жаҳон майдонида юртимизнинг инвестициявий имкониятига ишонч ортиб бораётганидан далолат. Масалан, хориждан келган сармоядор мамлакатимиздаги бирор соҳага маблағ киритиб, эркин ишлай олса, имтиёзлардан фойдаланса, даромадига ўзи эгалик қилса, бошқалар ҳам қизиқади. Инвесторларнинг кўпайиши ортидан эса мамлакатимиз иқтисодиёти янада ўсади, соҳалар ривожланиб, кўпроқ иш ўрни яратилади.

Форумнинг ялпи мажлисида шу жиҳатларга урғу берилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида чет эллик инвесторлар учун тақдим этилиши кутилаётган янгиликлар маълум қилинди. Улар орасида Тошкентда Халқаро тижорат суди иш бошлаши, махсус иқтисодий зоналар фаолияти муддати бўйича чекловлар бекор қилиниши кабилар бор.



### Сармоядорларни нима қизиқтиряпти?

Форум дастури тадбирларга бой бўлди. Панел учрашувлар, давра суҳбатлари, сессиялар давомида чет эллик ва маҳаллий ишбилармонлар инвестиция соҳасини ривожлантириш тенденциялари, рақамлаштириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда халқаро миқёсда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш каби долзарб масалаларни муҳокама қилди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда давлат, тадбиркорлар ҳамда инвесторлар ўрни масаласи марказий мавзулардан бирига айланди.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳалар ҳам Ўзбекистонда тез ривожланиб бораётир. Тошкент халқаро инвестиция форумида ушбу йўналишларга ҳам инвесторлар эътибори жалб этилди. Хусусан, "IT-Park Uzbekistan: янги ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги питч-сессияда мамлакатимизни 2030 йилга қадар минтақавий ахборот технологиялари марказига айлантириш режалари тақдим этилди. Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов бу йўналишдаги инвестициялар аҳамияти ҳақида бундай деди: "Саудия Арабистонининг "Data Volt" компанияси иштирокида "яшил" технологияларга асосланган "маълумотлар марказлари" қурилиши катта воқеа. Умумий қиймати 5 миллиард долларга тенг лойиҳа янги имкониятларга йўл очмоқда. Биз ахборот технологиялари компаниялари учун қулай муҳит яратяпмиз. Ўзбекистонда офислар очиш ҳамда бошқариш билан боғлиқ барча хавф зарарини қоплаш мақсадида "Ноль риск" дастурини ишга туширяпмиз".

Инвестициявий лойиҳалар, аввало, мамлакат иқтисодиёти ривожига, қолаверса, соҳалар тараққиётига хизмат қилади. Боиси, қайси тармоқни олиб қараманг, бари иқтисодий масалаларга боғлиқлиги кўринади. Шу боис, инвестиция, яъни четдан сармоя киритишга иқтисодиёт ривожининг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Соҳа вакиллари бундай шартномалар нафақат ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаши, балки халқаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратишини таъкидлаяпти.

— Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологиялар асосида бошқариш форум доирасидаги муҳим мавзулардан бири бўлди, — дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Дилшод Азимов. — Бу борада кўплаб инвестициявий лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Хусусан, Швейцария билан ҳамкорликда пилот лойиҳани йўлга қўйдик. Мазкур тажриба сув таъминоти чоралари ва минтақанинг экологик хавфсизлигини сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Шундай лойиҳаларни янада кўпайтиришимиз зарур. Боиси, юртимиз аҳолисининг 90 фоизини тоза ичимлик сув билан таъминлаш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ушбу вазифани муваффақиятли бажаришда халқаро молия ташкилотлари, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, бизнес ҳамда давлат билан фаол ҳамкорлик талаб этилади. Форум доирасида "Ўзсувтаъминот" АЖ ҳамда Испаниянинг "Almar water solutions" компанияси ўртасида битим имзоланди. Лойиҳа ичимлик ва оқова сувни тозалаш, бунинг учун зарур қурилиш ишларини бажариш кабиларни ўз ичига олади.

SWS компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Абдул Ваҳоб Шариф "Ўзсувтаъминот" АЖ билан ҳамкорликда режалаштирилаётган йирик лойиҳа ҳақида сўзлади. У Марказий Осиёдаги энг йирик лойиҳа бўлиши кутилмоқда ва Салар ҳамда Бектемир сув ресурсларидан фойдаланишни назарда тутади. Қолаверса, ҳамкорлар юртимизда замонавий сув йиғиш, тозалаш ва қайта фойдаланиш технологияларини жорий этиш истагини билдирди. Мазкур технологиялар мамлакатда сув ресурсларини самарали тасарруф этиш борасида янги қадам бўлади.

Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай йирик лойиҳалар келишуви, самарали битимлар билан якунланди. Уларни амалиётга жорий этиш узоқ куттирмайди, деган умиддамиз. Натижасини эса ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида кўриши — энг катта самара.

---

**Нуқтаи назар**

# ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ САРИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА



**Жасурбек ОТАНИЯЗОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



**Жаҳон молия ва товар бозоридаги коньюнктуравий тебранишлар шароитида халқаро бизнес вакиллари учун барқарор, ишончли молиявий муҳит ҳамда бозорга кириб бориш ва фаолият юритиш муҳим аҳамият касб этади. Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми йирик инвесторлар, хорижий ҳамда маҳаллий бизнес вакилларини бир жойда жамлаб, улар манфаати кесишадиган нуқталарни топиш, муайян инвестиция лойиҳаларини ўрганиш, ўнлаб йўналишлардаги замонавий тенденцияларни муҳокама қилиш ва истиқболли таклифлар учун қулай замин яратди.**

Форум барқарор ўсиш суръати, хорижлик сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳитга эга ҳамда Марказий Осиёнинг ҳақиқий инвестиция марказига айланиб бораётган Ўзбекистон салоҳиятини намоён этишда алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда либераллаштиришга доир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, ташқи сиёсатда кескин ўзгаришлар рўй берди. Тараққиётнинг янги босқичида Ўзбекистон илгари кузатилмаган фаол, очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритмоқда. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан узоқ муддатли, кўп қиррали шериклик алоқаларини кучайтириш бўйича фаол чора-тадбирлар кўриляпти. Бунинг натижасида мамлакатимиз нуфузи ошиб, халқаро миқёсдаги ўрни мустаҳкамланмоқда.



Юртимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар қўлланди. Жумладан, валюта бозори либераллаштирилди, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш бўйича барча чеклов бекор қилинди, қулай фискал тизим яратилди. Хорижий инвесторлар акциясидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди. Инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарга божхона божи ҳамда лицензия ва рухсат беришга оид 132 та ҳужжат бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартиби киритилди.

Тошкент халқаро инвестиция форуми стратегик ташаббусларни муҳокама қилиш ва халқаро бизнес ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятини намойиш этиш учун янги платформа вазифасини ўтамоқда. Форумнинг долзарблигини иштирокчи давлатлар географияси йилдан йилга кенгаяётгани ҳамда хорижлик инвесторлар ва бизнес вакиллари сони ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. 2022 йилда ўтказилган биринчи халқаро инвестиция форумида 7,8 миллиард долларлик 105 та, 2023 йилда умумий миқдори 11 миллиард долларга тенг 164 та инвестиция шартномаси имзоланганди. Жорий йилги форум аввалгиларидан анча самарали кечди: 93 мамлакатдан 2,5 мингдан зиёд иштирокчи келиб, 26,6 миллиард долларлик келишувга эришилди.

Форум доирасида хорижлик шерикларга Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳа тақдимот қилинди. "Яшил" энергетикадан инновацион саноатгача, қишлоқ хўжалигидан иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришгача бўлган йўналишларда, шунингдек, саноатда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олинди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки каби ташкилотлар билан қатор лойиҳаларга оид битимлар имзоланди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг инвестициявий салоҳиятини атрофлича очиб беришга қаратилган ялпи мажлис, экспертлар баҳс-мунозаралари, панел мулоқотлар, давра суҳбатлари ва B2B музокаралари ўтказилган бу жараёнда қўл келди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар билан хорижий инвесторларни яқиндан таништириш имконияти яратилди. Шунингдек, замонавий энергетика тизимини барпо этиш, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, саноат ва савдо, транспорт тизими, саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш, сув таъминоти, шаҳар инфратузилмасини яхшилаш, туризм каби соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар муҳокама этилди. Бир қатор истиқболли лойиҳаларга, амалий ишларга старт берилди.

Халқаро форум миллий иқтисодиётдаги саноатлаштиришнинг юқори имкониятларини ҳамда унинг инвестиция салоҳиятини халқаро бизнес ҳамжамиятига яқиндан таништирган ҳолда халқаро молия институтлари ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Мулоҳаза



# МАЛАКА ТОИФАСИ

## ЎҚИТУВЧИНИНГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИМИ?



**Бугун қўлга киритган ютуқлари, эришаётган кўрсаткичларига яраша юқори маош олаётган, устамаларга даъвогарлик қилаётган ўқитувчилар сони тобора ортиб боряпти. Демак, педагог малакаси ва маҳорати ўз сўзини айтяпти. Шуниси ҳам борки, оила ва рўзғоридан кўngли хотиржам ўқитувчи эса яна изланишга, ўз устида ишлашга, фанига ижодкорлик билан ёндашишга ҳаракат қилади.**



Президентимизнинг 2023 йил 26 майдаги "Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида бир қанча вазифалар белгиланиб, педагог кадрлар малака тоифаларини синовдан ўтказиш тартиби ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Унга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларига малака тоифасини беришнинг янги тартиби жорий қилинди.

Айни кунларда педагог кадрлар учун шундай малака тоифа синовлари ўтказилмоқда.

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Таълим сифатини баҳолаш, лицензиялаш ва аккредитациялаш департаменти директори вазифасини бажарувчи Сардор РАҲИМБОЕВ** билан суҳбатимиз янгиланган тартибдаги мазкур синовлар қандай ташкил этилгани, аттестацияга доир мурожаатлар, эътирозлар қай тартибда қабул қилинаётгани ва муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида бўлди.

— Педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибасини ўргандик. Бирлашган Араб Амирликларидаги "Emirates national schools" билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди, — дейди Сардор Раҳимбоев. — Малака синовларига доир аввалги тизимда натижаларни баҳолашда инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, коррупция элементлари кузатилган.

Жорий йилда эса Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан малака (тест) синовларини шаффоф, адолатли, холис ўтказиш мақсадида test.uzedu.uz платформаси ишлаб чиқилди. Синовлар компьютерда реал вақт режимида ҳамда FaceID (юзни таниб олиш) орқали ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, коррупцион омилларни бутунлай йўқотиш мақсадида blockchain технологиясидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу технология орқали ҳар битта педагог томонидан ечилган тестнинг вақти, тўғри ва нотўғри жавоблари ҳақидаги маълумотларни ўзгармас шаклда сақлаш имконияти яратилди. Ушбу механизм аттестация жараёнида юз бериши мумкин бўлган қалбакилаштиришлар олдини олиб, тизимдаги шаффофликни оширишга катта ҳисса қўшади.

Малака тест синовлари бошланишидан олдин янги тест платформаси Тошкент шаҳрида уч марта, республика миқёсида икки марта апробациядан ўтказилди. Синовлар натижасида тест дастури ва саволлари такомиллаштирилди.

Шунингдек, биноларга кузатув камералари ўрнатилиб, доимий назорат йўлга қўйилди ҳамда истаган шахсга тест жараёнини интернет орқали кузатиш имконияти яратилди. Педагогларга малака тоифасини бериш янги тартибига мосланган pedkadr.uzedu.uz электрон платформаси ишлаб чиқилди.

Тест синовларини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган таълим ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларнинг катта сиғимли биноларида 1900 та компьютер тайёр ҳолатга келтирилди. Номзодлар учун қулай кутиш жойлари, тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилди.

**— Малака синовларидан ўтиш учун ўқитувчиларга муайян даврийлик белгиланганми? Яъни қанча муддатда ташкил этилади?**

— Янги тартибга кўра, синов бир йилда камида бир марта икки босқичда ўтказилади ва 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Биринчи босқичда педагогнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси баҳоланади (80 балл). Бунда педагогларга мутахассислик фани бўйича 35 та, касбий стандартларга оид 5 та тест саволи берилади. Иккинчи босқич педагогик маҳоратни баҳолаш учун ўтказилади. 20 балл билан баҳоланадиган бу синовда 10 та савол-топшириқ берилади.



Соҳа мутахассислари, олимлар ва амалиётчи педагогларни жалб қилган ҳолда малака синовлари формати — фан мазмуни, таркиби, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри, баҳолаш мезонлари тестология меъёрлари асосида ишлаб чиқилди ва 42 фандан учта тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус) 30 мингга яқин назорат синов материали тайёрланди.

Тест синовларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда педагогларга етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида малака синовлари ўтадиган биноларда иштирокчилар ҳамда уларнинг яқинларига кутиш, буюм ва кийимларини сақлаш ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари тайёрланган. Шунингдек, баъзи ҳудудларда она-бола хоналари ташкиллаштирилган. Аттестация жараёнлари онлайн трансляция қилиб борилмоқда.

**— Гап билим ва малакани синовдан ўтказиш ҳақида кетар экан, мурожаат ва эътирозлар бўлиши табиий. Аттестация жараёнига оид бу каби муаммолар қай тартибда қабул қилинмоқда? Уларни бартараф этиш учун қандай йўл тутилмоқда?**

— Тест жараёнларига доир эътироз ва коррупцион ҳолатларга дуч келган педагоглар аттестацияга доир мурожаатлар учун вазирликнинг махсус ташкил этилган ишонч телефони (88-827-09-09) ёки бот манзили (https://t.me/uzedu_vazirbot)га мурожаат юбориши мумкин. Биз аввалдан бу ҳақда расмий сайтимиз ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали эълон бериб келяпмиз.

Ўқитувчиларга тест топшираётган вақтда тизимдан чиқмаган ҳолда эътироз юбориш имконияти яратилган. Шунингдек, кузатувчилар томонидан тест якунида жараён юзасидан ёзма эътирозларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Албатта, ўқитувчиларда шахсий кабинетларида ўз натижаларини кўргандан кейин ҳам қандайдир эътирозлар бўлса, апелляция бериш имконияти мавжуд.

Вазирликда апелляция комиссияси ташкил этилган бўлиб, ўқитувчилар юборган ҳар бир мурожаат алоҳида кўриб чиқилади. Эътироз ўринли деб топилса, керакли баллар қўшилади, аксинча бўлса, экспертлар томонидан асослаб берилади.

Бошқа йўналишдаги шикоятлар ҳам ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, муаллифларга тегишли жавоблар берилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун барча зарур чоралар кўрилади.

**— Айтингчи, ушбу малака тоифа синовлари ўқитувчиларга қандай имтиёз ёки устунликлар беради?**

— Малака тоифаси педагогларнинг ойлик маошига таъсир қилиши сабабли ўқитувчилар малака тоифасини ошириб боришдан манфаатдор. Мисол учун, мутахассис лавозимидаги мактаб ўқитувчисининг ойлик маоши (базавий тариф ставкаси) 2,9 миллион сўм бўлса, босқичма-босқич равишда олий тоифага эга бўлгандан сўнг унинг иш ҳақи 4,1 миллион сўмга чиқади. Бу эса мутахассис лавозимли ўқитувчиникидан 35 фоизга кўп, дегани.

Шу сабабли малака тоифасини олиш учун номзод педагоглар ўз устида мунтазам ишлаши талаб этилади ва бунинг натижасида замон талабига жавоб берадиган педагогларни рағбатлантириш имконияти



Бунда педагогларни мушоҳада юритишга чорлайдиган саволлар бўлишига алоҳида эътибор берилган. Ўқитувчиларнинг хотирасини эмас, балки билимини текшириш мақсадида тест дастурининг ўзида калькулятор ва формулалардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Жорий йилнинг 1 март ҳолатига аттестацияда иштирок этиш учун жами 243 мингдан ортиқ педагог мурожаат юборган. Шулардан 200 мингга яқинининг малака (тест) синовларида иштирок этиши кутилмоқда.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида ярим миллиондан ортиқ педагог фаолият юритмоқда. Уларнинг салкам 54 минг нафари олий, 100 мингдан ортиғи биринчи, 127 мингга яқини иккинчи малака тоифали. 177 мингдан ортиғи мутахассис лавозимига эга, 66 минг 191 нафари эса тоифасиз, яъни ўрта махсус маълумотли.

яратилади. Асосийси, ушбу механизм таълим сифати ошишига хизмат қилади.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган синовларда малака тоифалари берилган педагог кадрларга QR-код қўйилган электрон шаклдаги сертификатлар уларнинг шахсий кабинетларига юборилади.

Июль ойида аттестация натижасида педагог кадрларнинг ойлик иш ҳақларига киритиладиган ўзгаришлар автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилиши учун молиявий ҳисоб-китоб дастурларига юборилади.

Малака тоифалари ошиши ўқитувчиларнинг моддий шароитини яхшилашга, асосийси, таълим сифатини кўтаришга хизмат қилади.

**Башорат ЮНУСОВА суҳбатлашди.**

Долзарб мавзу



# ҚОҒОЗ ЧЕК ҚУЛАЙ

## бироқ саломатлик учун хавфли

Мансурбек ЖАББОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



**Ҳозирда нима харид қилманг, амалиётни тасдиқлаш учун қоғоз чек берилади. Ҳатто метрополитен хизмати ёки пластик картадаги маблағни банкомат орқали нақдлаштириш ҳам QR-кодли чек билан тасдиқланади. Бу амалиёт ҳаётимизга шу қадар ўрнашдики, қулайлик яратиш билан бирга харид чекидан юртдошларимиз муайян миқдорда фойда ҳам кўряпти. Масалан, soliq.uz мобил иловаси орқали чекни рўйхатдан ўтказиб, кешбек олиш мумкин.**

Муаммо ҳам бор: баъзан пластикдаги пулни банкомат орқали нақдлаштирганда экранда акс этган "Чек керакми?" деган саволга керак бўлса-бўлмаса, "Ҳа" тугмасини босамиз. Чекни олгач, ерга ташлаймиз. Ҳатто банкомат олдидаги чиқинди идишга ташлашга ҳам ҳафсала қилмаймиз. Шунинг учун ҳам қайси банкоматга борманг, ён-атрофга сочилиб ётган чек қоғози кўнгилни хира қилади.

Тўғри, харидор учун ҳам, сотувчи ёки тақдим этувчи учун ҳам қоғоз чек харидни тасдиқловчи ҳужжат. Шу боис, қоғоз чекни савдо-сотиқ жараёнида оламиз ва ҳамёнимиз, чўнтагимиз ёки сумкамизга солиб қўямиз. Кераги йўқ деб ҳисоблаган тақдирда эса ташлаб юборамиз. Албатта, чек олиш қонуний ҳаққимиз, бироқ хизматини ўтаб бўлгач, дуч келган ерга ташлаш бугун жиддий муаммо пайдо қиляпти. Иқтисодий муносабатлар ишончлилиги учун яратилган бундай қулайликка жавобан маданият ҳам шаклланиши мақсадга мувофиқ.



Бу бир парча қоғоз сиртдан зарарсиз кўринади, лекин хавфли. Чек ёзуви таркибидаги моддалар инсон репродуктив саломатлигидаги ўзгаришлар, эндокрин тизими фаолиятининг бузилиши, мия ривожланишининг кечикиши, диабет, саратон, семириб кетиш ва юрак-қон томир касалликларига олиб келиши мумкин.

### Болалар қўлига берманг

Эъзоза бошланғич синф ўқувчиси. Ота-онаси бирор нарса харид қилса, уйга келишлари билан қоғоз чекни сўраб олади. Онаси сўнгги пайтларда 10 ёшли қизга бу чеклар нима учун кераклиги билан қизиқди. Қиз чекни олди-да, соч текислагич дазмолни қиздириб, қоғознинг устидан юргизди, яъни текислади. Қоғоздаги ёзув йўқолиб, қоп-қора тусга кирди. Қиз оламшумул кашфиёт қилгандек, онасига қоғозни мамнун узатди. Она бунга эътибор бермади. Аслида, бу амалиёт бола соғлиғига хавф туғдириши мумкин.

Кам фойдаланилганда бундай чекларнинг зарари сезилмайди, бироқ мунтазам қўлланганда зарари ортиб боради. Айниқса, болалар ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Уларнинг қўл териси катталарникига қараганда анча нозик ва юпқа бўлгани боис, чекни ушлаганда зарарли моддаларнинг бола танасига ўтиши катталарникига нисбатан тезлашади. Қолаверса, болалар табиатан қизиқувчан бўлгани боис, QR-кодли чекни оғзига солиши, ҳатто ютиб юбориши эҳтимоли катта. Бунда чекдаги заҳарли токсинлар танада тўпланиб, вақт ўтиши билан жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

— Бисфенол (БПА) — заҳарли модда. У танага тери орқали киради. Болаларда эса чекдан заҳарланиш ҳолати анча юқори, — дейди Болалар миллий тиббиёт маркази матбуот котиби Шоҳруххон Олимов. — Қўл нам ёки ёғли бўлса, масалан, крем ёки антисептикдан фойдаланилганда бу модданинг сингиши тезроқ содир бўлади. Ёш болалар оғзига солса ёки ютиб юборса, заҳарли модданинг қонга ўтиши тезлашади. Заҳарланиш ҳам шунга яраша ортади. Асорати бирдан сезилмаслиги мумкин, лекин болалар улғаявергач, заҳарланиш таъсир кўрсата бошлайди. Агар чек ушлаган қўлингиз билан бурун ёки кўзингизни ишқаласангиз, БПА ҳам танангизга киради. Шунинг учун ушбу чекдан камроқ фойдаланиш талаб этилади. Аввал заҳарланиш камроқ бўлган. Бугун ушбу чекка QR-коднинг туширилиши заҳарланиш ортишига сабаб бўлмоқда. Иложи борича қоғоз чекдан воз кечишимиз, ота-оналар ҳам фарзандига кўз-қулоқ бўлиши, оғзига ножўя нарсалар солмаслигини назорат қилиши лозим. Шундагина бир оз бўлса-да, ушбу хавфнинг олдини оламиз.

Бисфенолнинг зарари аллақачон Европа Иттифоқида тан олинган. Болалар ўйинчоғи ва сув идишларини ишлаб чиқаришда ундан фойдаланиш тақиқланган. Бизда эса қоғоз чекка талаб кундан кун ортмоқда. Ҳатто жетон ўрнини ҳам QR-кодли чек эгаллаган. Метрода QR-кодли чек ўрнига махсус йўл картасидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ҳам саломатлик учун фойдали, ҳам узундан узоқ навбатнинг олдини олади.

Жияним эмаклаганча йўлидан чиққан нарсани оғзига солиб кетаверарди. Акамнинг савдо дўкони бўлгани учун уйида қоғоз чек мўл бўларди. Болакай ўша қоғозларни ғижимлаб ўйнаган, оғзига солган, баъзан ютиб юборган. Чунки болаларни минг назорат қилган билан мунтазам ортидан юролмайсиз.

Бир куни қорни оғриб, шифохонага тушиб қолди. Шифокорлар боланинг ошқозонидан қоғоз чекларни чиқариб олди. Қоғоздаги барча заҳарли модда қонига ўтиб, соғлиғига жиддий таъсир кўрсата бошлаган. Шу сабабли жияним тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Бўйи ҳам тенгдошлариникидан анча паст. Қоғоз чек зарари жиянимнинг бўйи ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бунга, аввало, биз — катталар айбдормиз. Эътиборсизлигимиз туфайли уларга зарар етади.

### Тадқиқотлар нима дейди?

АҚШ Экология нодавлат нотижорат маркази маълумотига кўра, қоғоз чекда юқори концентрацияли бисфенол, хусусан, бисфенол А (БПА) ва бисфенол С (БПС) мавжуд бўлиб, одам саломатлиги учун ниҳоятда зарарли. Мутахассислар бундай чек инсон танасидаги гормонлар фаолиятини бузиш кучига эга кимёвий моддаларнинг етарли даражада тан олинмаган манбасини ташишини айтмоқда.

Экология маркази ҳисобот учун АҚШнинг 22 штати ва Колумбия округидаги 144 та йирик дўконда қоғоз чекни синовдан ўтказди. Натижада чекларнинг тахминан 80 фоизида бисфенол борлиги аниқланди. Тадқиқотчиларнинг таъкидича, бу кимёвий модда соғлиқда турли муаммоларни келтириб чиқаради. Шу жумладан, саратон билан боғлиқ эндокрин хасталикларга сабаб бўлади. Айниқса, мунтазам чек билан ишловчи кассирлар ва ҳар бир иш учун чек талаб қилувчи мижозларга кўп хавф солади.



### Қайта ишланмайдиган қоғоз

Қоғоз чек ишлаб чиқариш учун биргина АҚШнинг ўзида йилига 250 миллион галлон нефть, 10 миллион туп дарахт, 1 миллиард галлон сув сарфланади.

Россияда чек ишлаб чиқариш учун йилига 10 минг тонна термал қоғоз ишлатилади. Бунинг учун дарахтлар кесилади, сув ва энергия сарфланади. Ишлаб чиқариш жараёнида карбонат ангидрид чиқарилади. Бу эса иқлим ўзгаришига олиб келади. Демак, биз биргина чек олиш учун қанчадан қанча нефть исроф қилаётганимиз, дарахтларни кесиб, чўлланишга йўл очаётганимиз, натижада глобал исиш ва иқлим ўзгариши ортиб, экотизим издан чиқишига сабабчи бўлаётганимиз аёнлашади. Энг ёмони, шусиз ҳам тугаб бораётган сувни биргина чек қоғози учун исроф қиляпмиз.

Афсуски, қоғоз чекларни қайта ишлаб бўлмайди. Боиси, чек ёзуви кимёвий ишлов берилган термал қоғозга босилади, бу эса уни қайта ишлаш имконини йўққа чиқаради. Бундай чек олмасдан, электрон шаклидан фойдаланиш муаммонинг ечими бўла олади. Чунки бугун барча амалиётни телефоннинг битта тугмачаси орқали бажариш мумкин.

### Масаланинг ечими қаерда?

Тўғри, дўконларда ёки бирор ишни бажаришимиз учун қоғоз чек керак, усиз ишимиз битмайди. Қоғоз чеклар тасдиқловчи ҳужжат вазифасини бажаради. Ундан воз кечолмаймиз, дейишингиз мумкин. Хўш, унда нима қилиш керак? Бунинг ечими — онлайн тизим билан ишлашда. Шу боис, мутахассислар истеъмолчиларга имкон қадар босма чекдан воз кечиш ёки чекни ушлагандан кейин қўлни яхшилаб ювишни тавсия қилмоқда.

— Кўплаб ривожланган давлатларда қоғоз чекдан воз кечиш ва электрон чекка ўтиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда, — дейди Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори Зикрилла Алимов. — Сабаби дарахтлар қоғознинг асосий манбаидир. Маълумотларга кўра, бир тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун тахминан 24 та дарахт кесиш керак. Бу эса, ўз навбатида, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қоғоз чек, авиачипта, кино чиптаси, транспорт ва баъзи озиқ-овқат қадоқларини тайёрлашда термал қоғозлар қўлланади. Термал қоғозга ранг берувчи сифатида асосан, бисфенол А ишлатилади. У поликарбонат пластмасса ва эпокси қатрон ишлаб чиқаришда қўлланиб, термал қоғозга ҳам фаол ишлатилади. БПА миқдори одатда термал қоғоз умумий ҳажмининг 1-2 фоизини ташкил қилади.

Ҳозир олимлар олдида турган асосий вазифалардан бири БПАдан воз кечишдир. Баъзи давлатлар қоғоз чекдан умуман фойдаланмайди. Мисол учун, АҚШ Ғазначилик департаменти тўлиқ электрон тўловга ўтган. Аслида, онлайн тизимлардан фойдаланишдан



ташқари банкоматларни такомиллаштириш ҳам бу муаммога қарши курашда катта ёрдам беради. Қолаверса, электрон чек ҳақида ҳам унутмаслик лозим. АҚШнинг Уэллс Фарго молия институти 2010 йилда биринчи электрон чекни синовдан ўтказди ва 2022 йилга қадар узоқ йиллик текширув ва тадқиқотлар орқали бу ўзини оқлашини исботлади. Ўз ўрнида бутун мамлакат бўйлаб ушбу вариантни таклиф қилган АҚШдаги биринчи молия институтига айланди. Энди бошқа йирик банклар ҳам унга эргашмоқда. Бу орқали жорий йилда илк бор электрон чеклар ҳукмронлик қиладиган биринчи принтерсиз банкоматни тақдим этди. Бу тўлиқ ишга тушса, биргина АҚШда йилига 640 минг тонна чек қоғози тежаб қолинади.

Умуман олганда, электрон чекка ўтиш ҳар томонлама фойда келтиради. Шу сабабли биз ҳам банкоматларни такомиллаштиришимиз ва имкон қадар тезроқ электрон чекдан фойдаланишга ўтишимиз лозим. Қолаверса, аҳолини қоғоз чекнинг зарарли таъсиридан огоҳ қилиш ва воз кечишга ундаш керак. Бугун экологик муаммолар биргина давлат ёки ҳудуднинг эмас, умумбашар муаммосига айланиб улгурди. Шунинг учун экологик вазиятни яхшилашга асқатадиган кичик бир саъй-ҳаракатимиз ҳам она заминимизни асраб-авайлашга хизмат қилади.

Комбинат санъат иштиёқмандларининг янги дастурлари ва ижодий лойиҳаларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Эстрада, фольклор, мақом йўналишларида “Қизилқум санъат ғунчалари”, “Қизилқум овози”, “Қизилқум оҳанглари”, “Олтин мерос” каби танловлар мунтазам ўтказилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

**Юксалиш палласи**

**Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# НАВОИЙЛИК ФАРҲОДЛАР ДОСТОНИ: “ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРЛАРИ”ДАН СОЧИЛГАН ЁҒДУЛАР

**(эссе)**

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Эртагу достонларда, саргузашт фильмларда бўлгани каби биз ҳам олтин конини излаб йўлга чиқдик. Қўлимизда ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и, кўнглимизда навоийлик бугунги фарҳодларнинг янги достонини — улар забт этаётган юксак довонлар таърифини эшитиш истаги... Ҳа, тўғри англадингиз, биз бугун юртимизнинг энг гигант корхоналаридан бири ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинатининг фидойи ишчилари ва санъатга иштиёқманд йигит-қизлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

* * *

*Деди ҳар ишки қилмиш одамизод,*
*Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

Ҳозир қайси ҳудуд ёки масканга ташриф буюрманг, замонавий дунёқараш асосидаги рақамлаштириш жараёни ҳар бир инсон фаолиятини янги чўққилар сари руҳлантираётганига гувоҳ бўласиз. Шу боис, биз ҳам дастлаб янги инновацион технологияларнинг ишлаб чиқариш жараёнига қандай татбиқ этилаётгани билан қизиқдик.

— Комбинатимиз йўналиши бўйича дунёдаги етакчи компаниялар сафида туради, — дейди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ раиси, бош директори Қувондиқ Санақулов. — Соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим дастур ва пухта ўйланган йирик инвестицион лойиҳалар изчил татбиқ этилаётгани туфайли комбинат тараққиётнинг янги манзиллари сари юзланди. Кон-



металлургия соҳасида корхона конларни ўзлаштириш, маъдан қазиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулот етказиб беришгача бўлган яхлит бир тизим асосида фаолият юритаётган улкан кластерга айланди. Жаҳонда тенги йўқ илғор технологияларга асосланган замонавий гидрометаллургия завод ва тармоқлари барпо этилиши, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш лойиҳалари комбинат имкониятларини янада кенгайтирди.

Олтмиш беш йил... Мана шу даврда босиб ўтилган йўл, амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар айтишга осон. Чунки бунинг замирида жуда катта меҳнат, жасорат, фидойилик ётибди. Айниқса, кейинги йиллар комбинат учун янги истиқболлар очилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилда тасдиқланган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури муҳим аҳамиятга эга бўлди. Геологик қидирув ишларидан тортиб, тайёр маҳсулот олишгача бўлган барча жараён тўлиқ рақамлаштирилди. Бу эса корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортишига мустаҳкам замин яратди.

— Ўтган йиллар давомида 23 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 15 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Йўлдош Ғаниев. — Натижада олтин ишлаб чиқариш 2023 йилда 2016 йилдагидан 25 фоиз, кумуш олиш 46 фоиз ошди. Бу марралар билан комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўриндан тўртинчи ўринга чиқиб олгани кон-металлургия тарихида мисли кўрилмаган улкан натижадир.

* * *

*Хуш дурур боғу коинот гули,*
*Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.*

Ҳаёт гулига не етсин... Эрта тонгдан шошиб-пишиб ишга отлансанг, севимли жамоанг бағрида касб машаққатларию севинчларига шўнғиб, маза қилиб ишласангу ёқимли ҳорғинлик ҳисси билан яна уйингга, оила аъзоларинг дийдорига ошиқсанг...

Навоийлик саноатчиларнинг фидокорона меҳнати билан бепоён Қизилқум бағридан қазиб олинаётган, дунё миқёсида юксак эътироф этилаётган нодир қазилма бойликлари иқтисодиётимиз тараққиётини таъминлашда беқиёс стратегик аҳамиятга эга. Шу боис, ишчилар, хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Ўтган 2023 йилда давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан, ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи мукофотланди.

— Мамлакатдаги энг катта заводлардан бирининг қурилиш-монтаж ишларида қатнашиб, ютуқларга эришиб келаётганимдан фахрланаман, — дейди комбинатнинг Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи катта устаси, “Дўстлик” ордени соҳиби Гулжамила Турғунбоева. — Ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ миллатлари жамоамизда ўзаро аҳилликда меҳнат қилиб келмоқда. Кейинги йилларда заводимиз ичида янги минизаводлар қурилди. Биокиссения, фильтрлаш-қуритиш цехлари ишга тушди. Бу самарадорликни янада ошириб, давлатимиз хазинасига кўпроқ олтин етказиб беришимизга имкон туғдирмоқда.

Улкан майдонни эгаллаган марказий Қизилқум саҳроси бағрида Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементларни учратиш мумкин. Бу, ўз навбатида, табиат бизнинг заминни етарли миқдорда минерал хомашё ресурслари билан сийлаганидан дарак бериб, кончилик саноати ривожига туртки бўлди. 1967 йилнинг март ойида аср мўъжизаси, дея таърифланувчи Мурунтов олтин конида илк портлатиш ишлари амалга оширилди. Бу тарихий воқелик Қизилқум чўлида Навоий кон-металлургия комбинатидек салоҳиятли корхона фаолият бошлашига асос бўлди. Бугун юртимизнинг еттита ҳудудида корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари жойлашган. Саноат соҳаси драйвери саналган комбинат иқтисодий барқарорликни таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Ишлаб чиқарилаётган олтин қуймалари жаҳоннинг қимматбаҳо металлар биржаларида Ўзбекистон брендига айланди.





МАЗКУР QR-KOD ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

* * *

*Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,*
*Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.*

Ҳа, бежиз ҳазрат Навоийнинг эл адаби, маданияти, маънавияти борасидаги мисраларини ёдга олмадик. Шу кунларда республикамиз бўйлаб Навоий кон-металлургия комбинати маданият муассасалари жамоаларининг “Қизилқум жавоҳирлари” анъанавий концерт дастури намойиш этилмоқда. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида айни дастурнинг





очилиш маросими байраму шодиёнага айланиб кетди.

— Шундай улкан ишлаб чиқариш жараёнида мазкур комбинат маданият муассасалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратгани таҳсинга сазовор, — дейди Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев. — Кўзларида орзулари порлаб турган йигит ва қизларимизни пойтахтимиздаги катта саҳналар сари дадил чорлагани, истеъдодини рўёбга чиқариш йўлида жонбозлик кўрсатаётгани учун комбинат раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Улар бетакрор овози, жозибали рақслари билан кўпчилик қалбида ўзбек санъати келажагига бўлган умид чироқларини ёқди.

Дарҳақиқат, миллий ва хорижий куй-қўшиғу рақсларни маромига етказиб ижро этган иштирокчиларни томошабинлар давомли қарсаклар, “Баракалла, устозингга раҳмат!”, “Қойил, барака топ!”, “Чиндан ҳам юрагида ўти бор ёшлар экан!” деган эътирофлар билан олқишлади.

— “Қизилқум жавоҳирлари”ни кўриб, бу ёшлар истеъдод борасида чиндан ҳам юртимиз жавоҳирлари, гавҳар қалбли ёшлари эканига гувоҳ бўлдим, — дейди таниқли олим, фалсафа фанлари доктори Жамила Шермуҳаммедова. — Президентимиз маърузаларидан бирида “Барча раҳбарлар бир нарсани билиб олсин: эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар билан ишлаш — биз учун ҳаёт-мамот масаласи! Биз ёшларга бугунданоқ шароит қилиб бермасак, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий ташаббусларни илгари сурмасак, янги Ўзбекистонни қандай барпо қиламиз?” дея таъкидлаган эди. Бугунги кунда комбинат ҳузурида фаолият юритаётган “Ширин”, “Марварид”, “Офарин”, “Садо”, “Фаввора” ансамбллари, “Ниҳол” ва “Тарона” ўзбек халқ чолғу оркестрлари, “Шок” эстрада-рақс ансамбли бетакрор намойишлари билан барчамизни ҳайратга солди. Мен бу дастурни томоша қилаётиб, навоийлик санъатсевар ёш қалблар шижоатига, истеъдодига, орзу-интилишларига ҳавас қилдим. Ана шундай катта мақсад ва дадил қадамлар билан изланаётган ёшларимиз сафи янада кенгайишини истайман.

“Учқудуқ” маданият уйи хонандаси Бону Исҳоқова ижросидаги “Саржайлов” қозоқ халқ қўшиғи янграганида саҳнага атиргуллар ҳавода сузгани каби “Афсона” рақс ансамбли қизлари кириб келди. Уларнинг инжа қўл ҳаракатлари ва миллий либосларидаги осмон рангли жилолар томошабинларни тўлқинлантириб юборди.

— Мен ушбу ансамблга 4 йилдан буён қатнашиб келяпман, — дейди Сабина Умматова. — Устозимиз таниқли балетмейстер Юлдуз Исматовадан рақс сирларини ўрганаётганимдан жуда хурсандман. “Илк баҳор”, “Гуллар”, “Наврўз” каби кўплаб миллий ва қардош халқлар рақсларини турли танловларда ижро этиб, фахрли ўринларни эгаллаганмиз. Рақс сеҳри билан яшаш, сени тушунадиган, англайдиган устозларинг, дўстларинг, жонажон жамоанг борлигидан фахрланиш қандай яхши! Биз ҳар гал пойтахтдаги катта саҳналарга қадам қўйганимизда жуда қаттиқ ҳаяжонга тушамиз, ғурурланамиз!

Шу ўринда шогирдларини навбатдаги қўшиқ учун шайлаётган “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори, “Фарҳод” маданият саройи директори ўринбосари Шерзод Давроновни ҳам суҳбатга тортдик.

— 2001 йилда “Фарҳод” маданият саройига хонанда сифатида ишга кирган эдим, — дейди у. — Жамоадаги муҳит туфайли завқу шавқ билан ижод қила бошладим. Аввал республика, сўнгра халқаро танловларда бирин-кетин совриндор бўлиш бахти насиб этди. 2004 йилда “Ниҳол” давлат мукофоти билан тақдирландим. Ўша йилдан бошлаб вилоятларда ва Тошкентда концерт дастурларимни тақдим этиб келаман. Таниқли бастакорлар, шоирлар билан ҳамкорликда янги қўшиқлар яратдик. 2022 йилда “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирландим.

Комбинат санъат иштиёқмандларининг янги дастурлари ва ижодий лойиҳаларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Эстрада, фольклор, мақом йўналишларида “Қизилқум санъат ғунчалари”, “Қизилқум овози”, “Қизилқум оҳанглари”, “Олтин мерос” каби танловлар мунтазам ўтказилмоқда. 2013 йилдан буён ҳар йили “Қизилқум жавоҳирлари” концерт дастури республика даражасида намойиш этилиши эса анъанага айланган.

— Мен 17 ёшимда ишни оддий чилангарликдан бошлаганман, — дейди “Дўстлик” ордени соҳиби Сержан Жанахметов. — Аввал “Учқудуқ” маданият саройидаги тўгаракларга қатнашиб, концерт дастурларида қўшиқ айта бошладим. Кейинчалик мени “Фарҳод” маданият саройига таклиф этишди. Бу жамоада ўзим орзу қилган кўплаб қўшиқлар яратишга муваффақ бўлдим. Бугунги концертда “Айдинлар” қўшиғини ижро этдим. Шундай гўзал ва фаровон юртда туғилганимдан, ёниб-жўшиб ижод қилаётганимдан жуда бахтлиман.

* * *

Хулоса онларида яна “Фарҳод ва Ширин”ни варақладик:

*“Кўриб Ширинни ҳайрат лол қилди,*
*Таажжуб бир йўли беҳол қилди.*
*Кўрунгач кўзга мундоқ чеҳри онинг,*
*Ичига солди шўриш меҳри онинг.*
*Мўъжизалар яратучи Фарҳодни кўрган Моҳинбону ва Ширин унинг ишига офаринлар ўқиб, бошидан жавоҳирлар сочдилар”.*

“Қизилқум жавоҳирлари” дастурини томоша қилиш жараёнида Навоий бобомизнинг рағбати ва тасаввурот кучи ила Навоий кон-металлургия комбинати иш жараёни билан яна бир бора танишдик, ёнгинамизда ўтирган навоийлик фарҳодлару ширинлар билан суҳбат қурдик.

— Ишчи-ходимларимизнинг дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш ишлари тизимли йўлга қўйилган, — дейди НКМК Касаба уюшмаси кенгаши масъул ходими Малика Холмуродова. — Жумладан, 2023 йилда комбинат ишчи-ходимлари учун “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли ҳамда Тошпўлат Маткаримовнинг концерт дастури, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаларининг “Кундузсиз кечалар”, Жиззах вилояти мусиқали драма театрининг “Нодирабегим” спектакллари намойиш этилди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати марказининг “Аския сайли”, Ортиқ Султоновнинг “Бир тилим ҳандалак” дастури ҳамкасбларимизда катта таассурот қолдирди. “Наврўз сумалаги” адабий кечаси Жасур Мавлонов, Баҳром Назаров, Анвар Санаев, Ҳосила Раҳимова иштирокида янада файзли бўлди.

Ҳа, “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”, дея бежиз таъкидлашмаган. Комбинатнинг қайси ходими билан суҳбатлашмайлик, олтину жавоҳирларга тенг умрини эл-юрт манфаати йўлида сарф қилаётган юртдошларимизнинг заҳматли меҳнатлари шукронаси ва яратилган шароитлар эътирофидан кўнглимиз тоғдек юксалди.

Суҳбат асносида бир ҳақиқат қалбимизга ёруғлик бағишлади: хоҳ шаҳар марказида, хоҳ саҳрода, хоҳ қишлоғу овулларда яшасин, юртдошларимизнинг барчасини бир муқаддас ришта — Ўзбекистонимиз истиқболи қайғуси, орзуси, меҳру муҳаббати бирлаштириб туради. Албатта, ана шу юксак бирлашувимиз, ҳамкорликдаги меҳнатимиз, эзгу ғояларимиз рўёби Учинчи Ренессанс пойдеворига асос бўлгусидир!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KOДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1513.
44034 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:05 Топширилди — 23:50